II полугодие

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 127 (10.432) / 2005 ЙИЛ 1 ИЮЛЬ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг белгиланган тартибда тураржой билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:**

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича хизмат қилаётган, амалдаги сарф-харажатлар (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно) доирасида тураржой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицер таркиблари ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун:

Тошкент шаҳрида - энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда;

Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида - энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туманлар марказлари ва аҳоли пунктларида - энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда ҳар ойлик пул компенсацияси тўловлари белгилансин.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади.

2. Белгилансинки, Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматчиларига ҳар ойлик пул компенсацияси тўловларининг ушбу нормалари жорий этилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати бюджетининг ҳар йили тасдиқланадиган параметрлари доирасида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ҳафта муддатда Молия вазирлиги (С.Раҳимов), Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартибини белгиласин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини тураржой билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун киритсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 30 июнь*

*1 июль — Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилган кун*

## ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ТИМСОЛИ

**Бир неча йил бурун хориж радиоларида «доно» фикрлари билан тез-тез чиқиб турадиган «иқтисодчи»лардан бири ўзбек сўмининг конвертация қилинишини кутиш - фойдасиз иш, деб башорат қилганди.**

Ўша «башорат»дан кўп ўтмай, 2003 йилнинг 15 октябридан мамлакатимизда Халқаро валюта жамғармаси Низомининг VIII моддаси талаблари расман кучга кирди.

Мана, салкам икки йилдирки, сўмнинг жорий халқаро операциялар бўйича эркин алмашуви - амалда. Ўтган вақт унинг барқарор валюталардан бирига айланиб бораётганини тасдиқлади. Буни халқаро молия муассасаларининг экспертлари хам тан олмоқда.

Иқтисодиётимиз изчил ўсиб бормоқда. Ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 7,7 фоизга кўпайгани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбек сўми туғилиши биланоқ жаҳоннинг манаман деган валюталари билан тенгма-тенг беллашишга киришади, деб ҳеч ким даъво қилмаган. Аксинча, мамлакатимиз Президенти бундай деганди: «Пул зарб этиб, уни муомалага киритиш қийин иш эмас. Энг муҳими - унинг кейинги тақдири. Янги пул давлат ва халқнинг собит ҳимоячиси бўла оладими? Фуқаронинг «белини бақувват» қила оладими?»

1994 йил 1 июлдан сўмнинг муомалага киритилиши иқтисодий мустақиллик йўлидаги дадил қадам бўлди. Бу қадам мамлакатимиз тарихида янги - мустақил пул-кредит сиёсати даврини бошлаб берди.

Миллий валютанинг мустаҳкамлигига, баъзи мамлакатларда бўлгани каби, кимлардандир олинган қарзлар эвазига эмас, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, мавжуд заҳираларнинг етарлилиги билан эришилади.

Давоми 2-бетда.

## РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Бош прокурор Р.Қодиров бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримовнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтирилган қарор ва фармонлари ижросини тўлиқ таъминлаш ва бу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.**

Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш белгилаб қўйилган.

Йиғилишда прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, жумладан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш ва бу борада қонунийликни таъминлашга, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратишлари лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида ҳам прокуратура органлари зиммасига тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор вазифалар юклатилган.

Шу билан бирга, баъзан қонун талабларини етарли даражада бажармаслик, ҳатто уларни бузиш ҳоллари кузатилмоқда. Бу борада тадбиркорлардан келиб тушаётган ҳар бир эътироз алоҳида назоратга олиниши, тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилаётган, уларнинг ички молиявий-хўжалик фаолиятига асоссиз аралашишга уринаётган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши лозим.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида мамлакатимиз Президентининг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилган Фармонлари ижросига бағишланган амалий анжуман ташкил этилди.
- Сирдарё тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш бўйича шартномавий режани бажардилар. Қабул пунктларига 18 минг 200 тоннадан зиёд юқори сифатли ҳосил топширилди.
- Андижон вилоятида шаҳар ташқарисидаги 24 та дам олиш ва мактаблар қошида ташкил этилган 15 та оромгоҳ ўқувчиларни қабул қилди.
- Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатрида «Битирувчи-2005» тантанали маросими бўлиб ўтди.
- Қарши шаҳрида каратэ бўйича мамлакат очиқ биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Турнирда умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи ўринни эгаллашди.

### Жаҳонда

- Атом энергияси бўйича агентлик (МАГАТЭ) мутахассислари текшириш ишларини амалга ошириш учун Эронга келишди. Мутахассислар текширув давомида Эрон ядровий дастури билан боғлиқ барча саволларга жавоб олишади.
- РАО «ЕЭС России» бошқаруви раиси Анатолий Чубайс Россия Федерацияси энергетика тизимида бошланган ислоҳотларни ниҳоясига етказгандан кейингина ўз лавозимини тарк этишини билдирди.
- Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо секторидаги қўлбола ракеталар ва миномётларни сақлаш учун фойдаланилган ўқдорилар омборига ракета зарбаларини берди. Ушбу хужум давомида тинч аҳолига ҳеч қандай шикаст етмаган.

## РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Давоми. Боши 1-бетда

Йиғилишда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, Адлия вазирлиги идоралари билан биргаликда молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни, шунингдек, бошқа маълумот ва ҳужжатларни ноқонуний талаб қилишда айбдор бўлган шахсларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари, хусусан, уларнинг фаолиятини тугатиш, фаолиятини тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий жарималар қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш фақат суд орқали қўлланиши тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаментига ва қуйи прокурорларга тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилишини, солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланганда текширишлар Департамент ва унинг қуйи тизимлари томонидан амалга оширилишини таъминлаш топширилди.

Прокуратура органларининг барча ходимларига микрофирмалар ва кичик корхоналар учун жорий этилган ягона солиқ тўловига риоя қилинишини, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини қонунда белгиланган тартибда таъминланиши устидан назорат олиб бориш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтирилган қонунларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини самарали ўтказиш вазифалари юклатилди.

Ҳайъат йиғилишида жойларда бу йўналишда прокурор назоратини амалга оширишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар танқид қилинди, уларни бартараф этишга оид вазифалар белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишида прокуратура органлари ҳаракатини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида доимий ишчи гуруҳи тузилди, бу соҳадаги қонунлар ижроси сўзсиз бажарилиши устидан назоратни таъминлашга қаратилган асосий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

## ТАДБИРКОРГА ИШОНЧ МАДАДКОР

**Президентимизнинг тадбиркорлик соҳасига оид кетма-кет чиқарган Фармонлари ва Қарори, албатта пойтахтимиз тадбиркорларига ҳам куч-қувват, келгусига ишонч бахш этмоқда. Шу хусусда сўзлаб беришни сўраб, янгиликка ўч, ташаббускор тадбиркор, — "PGS" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Полянте СВЕШНИКОВга мурожаат қилдик:**

— Президентимизнинг жорий йил 14 июндаги "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари, 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори ҳамда 20 июндаги "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони нафақат бугунги иқтисодиётимиз тараққиётига, балки юртимиз келажагига, халқимиз фаровонлигига эришишга хизмат қилишига аминман. Бу ҳужжатлар биз тадбиркорлар учун бебаҳодир.

Жорий йилда мамлакатимизда муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга воқеалар юзага келганлигини таъкидлаш ўринли. Икки палатали парламент шаклланди, бу дегани ислоҳотларни чуқурлаштириш, барча соҳаларда либераллаштириш жараёнлари давом эттирилишини вақтнинг ўзи талаб этмоқда. Президентимиз таъбирлари билан айтганда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш бугунги куннинг асосий мақсадидир.

Шахсий тажрибамга суяниб, шуни аниқ айта оламанки, боз-боз текширув ва тафтишлардан тинка-мадоримиз қуриганди. Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан ишнинг давом эттирилиши эндиликда текшириш йўналиши ва тартибини янада аниқлаштиради. Шунингдек, назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг масъулияти ҳамда жавобгарлигини янада кучайтиради. Чунки Фармонда мазкур шахсларнинг тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказилганлиги учун шахсан жавобгарлиги, ҳатто жиноий жавобгарлиги ҳам белгиланган.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозимлигининг белгиланиши ҳам муҳим аҳамиятга эгаки, бу биринчидан тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини таъминлайди. Иккинчидан, зарарнинг айнан уни етказган давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан қопланиши уларнинг масъулиятини янада оширади.

Мазкур Фармонлар юртимизда ишбилармонлар томонидан катта воқелик сифатида кутиб олинди. Эндиликда эса уларнинг ижросини таъминлаш ўзимизгагина боғлиқ. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек, ҳали ҳам айрим "тўрахонлар" корхонамиз эшигини қоқиб, ишимизга «бурнини суқиши» мумкин. Уларга қарши биринчи навбатда тадбиркорнинг ўзи муносиб қалқон бўлиши, тегишли жавоб қайтара олиши шарт! Бунинг учун эса у аввало Фармонлар мазмун-моҳиятини пухта билиб олиши керак, албатта.

Ўрни келганда яна бир муҳим фикрни билдириб ўтсам, дегандим. Кўпгина кичик корхоналар, тадбиркорлар йирик давлат корхоналарининг буюртмасини бажариб бўлгач, ўз маҳсулотларимизга ҳақни муддатида ололмай, ойлаб, ярим йиллаб сарсон-саргардон бўлмоқдамиз. Ажабланарлиси, баъзан пулларимизни суд орқали ҳам ундира олмаяпмиз. Мана шу муаммо ҳам ҳукумат даражасида ҳал этилса, нур устига аъло нур бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳадемай бозорларимиздаги чет элнинг сифатсиз, арзон моллари ўрнини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли, кўркам, рақобатбардош маҳсулотлар эгаллашига аминман.

# ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ТИМСОЛИ

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон айнан шу йўлдан борди. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан миллий валютамизни мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган тўрт дастурни изчил амалга оширишга киришилди. Бу дастурлар сўмнинг харид нархини ошириш учун бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, молия-кредит сиёсатининг изчиллигини, ички бозордаги истеъмол моллари билан нақд пул мутаносиблигини таъминлашга қаратилган эди.

Сўмнинг ички конвертацияси таъминланиши ўз вақтида, узоқни кўзлаб, сабот билан амалга оширилган ана шу чора-тадбирларнинг самарасидир.

Рақамларга эътибор қилинг: сўмнинг муомалага киритилиши арафасида йилига қарийб 680 миллион АҚШ долларига нефть маҳсулотлари, 430 миллион долларгача ғалла сотиб олган мамлакатимиз бугун бундай маҳсулотларнинг экспортчилари сафидан жой эгаллади. Ўтган вақт мобайнида ўз маҳсулотлари билан дунё бозорига дадил чиқиб бораётган юзлаб янги корхоналар қурилди: «ЎзДЭУавто», «Чўртангаз», «Зарафшон-Ньюмонт», Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи... Бундай корхоналаримиз кўпайгани сари сўмнинг қадри ортиб, демакки, халқимизнинг «бели бақувватлашиб» боради...

Сўмнинг конвертациясини таъминлаш учун кетган тўққиз йиллик муддат озми ёки кўп? Хулосани ўзингиз чиқаринг: Франция ва Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлар ҳам бунга Халқаро валюта жамғармасига аъзо бўлганидан сўнг камида 16 йил ўтгач эришган. Иқтисодий ислоҳотларини ўтган асрнинг 70-йилларида бошлаган Хитой юани эса бундай шарафга чорак аср ўтиб, 1996 йилда муяссар бўлган.

Айни вақтда халқаро молия тарихида воқеани «жадаллаштирган»лар ҳам йўқ эмас. Қўшни Қирғизистон ўз миллий валютасининг жорий халқаро операциялар бўйича конвертациясини четдан олинган йирик кредитлар эвазига бир ярим йилда таъминлаган эди. Олинган кредитлар миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт ҳажмини оширишга эмас, «ейиш-ичишга» — четдан истеъмол товарлари харид қилишга кетди.

Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас, дейди халқимиз. Кўп ўтмай, мазкур мамлакат ҳукумати 2 миллиард АҚШ долларига яқин қарзини тўлай олмаслигини расман тан олди. Кредиторларнинг Париж клубидан ушбу қарзлардан воз кечишини илтимос қилишга мажбур бўлди.

«Башоратчи»лар эҳтимол биздан ҳам ана шуни — улардан ёрдам сўраб боришимизни кутишгандир. Агар шундай бўлса, чучварани хом санабдилар. Чунки ўзбек ҳеч ҳачон, ҳеч кимнинг олдига қўл чўзиб бормаган, бормайди ҳам.

Бунинг ёрқин исботи — Ўзбекистон ўз миллий валютасининг жорий халқаро операциялар бўйича конвертациясига четдан молиявий ёрдам сўрамасдан, ўз куч-имкониятларига таяниб эришганидир. Халқаро экспертларнинг эътирофича, бу ҳам жаҳон тажрибасида кам учрайдиган ноёб ҳодиса.

Йиллар ўтади, сўмнинг муомалага киритилиши ва конвертация қилиниши борасидаги жараёнларни - миллий валютамиз тарихини мутахассислар синчиклаб ўрганади, таҳлил қилади. Лекин улар бир ҳолни эътироф этиши аниқ. Бу — Ўзбекистон раҳбарияти мазкур ишларга, энг улуғ мезон — эл-юрт манфаати ва келажагини кўзлаб, етти эмас, етмиш марта ўйлаб киришганию уни босқичма-босқич, сабот ва матонат, дадиллик ва изчиллик билан амалга оширгани, халқимизнинг «белини бақувват» қилганидир!

Пулинг ҳам, белинг ҳам ҳамиша бақувват бўлсин, халқим!

**ЎзА**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БАДИИЙ** академияда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчиларига дипломлар топширилди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманида жойлашган 299-мактаб қошидаги «Бойчечак» оромгоҳида тарбияланувчилар иштирокида ўтказилган асфальтга расм чизиш кўрик-танлови «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида битирувчи синфлар ўқувчилари иштирокида илм маскани билан хайрлашув маросими ўтказилди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши томонидан тумандаги ҳарбий спорт оромгоҳида 23 июндан бери давом этаётган семинар-тренинг машғулотлари, ҳарбий машқлар ҳамда спорт мусобақаларининг иккинчи босқичи якунланди.

● **ЎТГАН** куни Сергели туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Интернет сайтида Зулфияхоним қизлари кўрик-танлови қатнашчилари ҳақида маълумотлар берувчи янги саҳифа ташкил этилганлиги маълум қилинди.

● **КЕЧА** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежи ҳамкорликларида ташкил этилган кўргазмада мазкур ўқув маскани ўқувчиларининг ижодий ишлари намойиш этилди.

● **ЎТГАН** кундан «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан «Мовий денгиз» оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

20.00 Спорт - лото.
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.20 Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.25 «Морбоз». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Эсмеральда». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари.
0.00-0.05 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.20 Программа передач.
17.30 Сериал на ТТВ: «Дерзкие и бесстрашные».
18.00 «Малыши Кенгу». Мультсериал.
18.10 «Музыкальная гостиная».
18.30, 20.00, 21.20, 23.20 Информационная программа «Пойтахт».
18.50, 21.00 Телегазета «Экспресс».
19.10 «Эътикод».
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.20 Сериал на ТТВ : «Морена Клара».
21.40 «Хамшахарлар».
22.00 Кинооко. «Цветок и камень». 1-серия.
23.40-23.45. Спокойной ночи, город!

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 Мультсериал.
9.10 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.10 «Смеяться разрешается».
11.40 Профессиональный баскетбол.
12.40 «На футбольных площадках».
13.00-13.50 Футбол. Чемпионат Узбекистана. «Локомотив» - «Бухоро».
16.55. Программа передач.
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 «Шахматный клуб».
17.30 «Мировой футбол».
18.00 «15-А». Сериал.
18.25 «Кураш». Чемпионат Узбекистана.
19.05 Концертная программа.
20.00 «Вести».
20.20 Премьера. «Близнецы». Сериал (Республика Корея)
21.15 «Спорт – моя жизнь».
21.30 «Новости».
21.45 «Богатырские игры».
22.15 Международный спорт: «Еврофутбол».
23.50 «Спокойной ночи».

### 30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Бедная Настя», сериал
14.00 Художественный фильм, «Как бы не так», приключения
15.40 «Озгина-Созгина» совместный проект «30-го канала» и муз.-центра «Соз»
16.25 Документальный сериал
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Мусикий лахзалар»
18.45 «Бедная Настя», сериал
19.45 «Ошикона»
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.00 «Теле-хамкор»
21.20 «Мусикий лахзалар»
22.20 Киновечер на «30-м»: «Конвой», комедия
00.00 Программа передач

### ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00, 4.00 Новости
8.05 «Небесная жизнь». Х/ф
9.10 Детектив «Виола Тараканова. В мире преступных страстей»
10.30 «Русалочка»
11.20 Остросюжетный фильм «Под маской беркута»
13.00 «Замыслил я побег». Сериал
14.20 Сериал «Закон джунглей»
14.40 Сериал «Сыщики»
15.50 Сериал «Хозяйка судьбы»
17.10 Вне закона
17.40 «Пять вечеров»
18.50 «Улицы разбитых фонарей». Сериал
20.00 Время
20.30 Х/ф «Небесная жизнь».
22.30 Триллер «Грязные прелести»
0.20, 2.05 Остросюжетный фильм «Ураган»
2.40, 4.05 Сериал «Относительность»
4.10 «Сканер». «Люди-невидимки»

### Россия

4.00 «Доброе утро, Россия !».
7.45 Телесериал «Любовь слепа».
8.45 «ВЧК против патриарха Тихона».
9.45, 12.50, 15.30, 23.15 Дежурная часть
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.10, 15.40, 19.30 Вести - Москва
10.50 Телесериал «И снова Анискин».
12.10 «Ха». Маленькие комедии.
13.30 Сериал «Крот».
14.30, 20.55 Телесериал «Против течения».
16.10 «Кулагин и партнеры».
16.45 Телесериал «Кармелита».
17.45 Телесериал «Исцеление любовью».
18.45 Вести. Подробности
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Телесериал «Любовь слепа».
22.00 «Вести +».
22.20 «Хозяин зоны».
23.30 Телесериал «Три цвета любви».
0.25 Детектив «Заряженные смертью».
2.35 «Дорожный патруль».
2.45 Сериал «Закон и порядок»
3.30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 «Гарфилд».
8.30 «Маска».
9.00 «Человек-паук».
9.30, 14.30 «Высокая горка».
9.45, 14.45 «В мире басен».
10.00 Х/ф «Богус».
12.10 Х/ф «Дурак и его деньги».
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 «Дежа вю». Х/ф
17.10 Х/ф «Глубокое погружение».
19.00, 1.00 Телесериал «Ее вали Никита».
20.00 Телесериал «Третья смена».
21.00 Х/ф «Девять ярдов».
23.00 Х/ф «Снайпер».
2.00 Х/ф «Одержимая».

### НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.00 Сериал «Фабрика грез»
9.00, 12.00, 15.00; 18.00, 21.00, 23.00, 3.00 «Сегодня»
9.20 «Особо опасен!»
9.55, 19.45 Сериал «Только ты»
10.55, 18.40, 23.15 Сериал «Граф Крестовский»
12.35 Фильм «Гори, гори, моя звезда»
14.35 «Игры разума»
15.20 «Принцип домино»
16.30 «Шоу Степаненко»
17.35, 20.50 «Чрезвычайное происшествие»
21.40 Сериал «Секс в большом городе»
0.20 Сериал «Клиент всегда мертв»
1.30 Бильярд
2.10 Сериал «10 - 8»
3.15 Сериал «Джейк-2.0»
4.05 Сериал «Западное крыло»

## ПАЙШАНБА, 7

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Буюк Ипак йўли». Ҳужжатли телесериал.
«Болалар сайёраси»:
9.25 1. «Меҳмон-меҳмон». Ҳажвий новелла. 2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аёл қалби». Телесериал.
11.05 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хоразмнинг нақшинкор кулолчилиги».
11.25 «Лаура учун қадаҳ». Теленовелла.
12.00 Янгиликлар.
12.05 «Ҳаракатда-баракат».
12.25 «Дурдаршан», «Парле ву франсе?»
13.05 Оҳанглар оғушида.
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.00 Янгиликлар.
14.15 «Иқтидор». Телеўйин.
15.00 «Жалолиддин Мангуберди». Телеспектакль. 3-қисм.
16.00 Янгиликлар (инглиз тилида)
«Болалар сайёраси»:
16.10 «Цирк, цирк, цирк».
16.40 «Алпомиш» изидан». 4-қисм.
17.00 Янгиликлар.
17.10 «Қундуз бобо ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 «Сиёсат оламида».
18.10 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
18.25 «Аёл қалби». Телесериал премьераси.
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 «Умр дафтари». С. Аҳмад. 1-қисм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Парламент соати».
21.30 «Бегона». Телесериал.
22.30 Эски альбомдан.
22.35 «Тақдир». Телесериал премьераси.
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.25 «Эсмеральда». Телесериал.
9.55 Ўқишга марҳамат!
10.00 «Давр» - интервью.
10.15 Шоҳсупа.
10.35 «Мульттомоша».
10.50 Ёшлар овози.
11.10, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.20 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
12.05 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Автопатруль.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.20 «Даллас». Телесериал.
14.05 «Денгиз итлари». Мультсериал.
14.30 Ёшлар ва ҳуқуқ: Баҳс, мунозара, таҳлил.
15.10 «Ноилож сайёдлар». Ҳужжатли сериал.
16.00 Давр.
16.20 «Чекиш - соғлиққа зарар». Телефильм.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
17.00 Митти юлдузлар.
17.15 «Ёз - ўтмоқда соз». Фототанлов.
17.20 Ёшлар куйлаганда.
17.35 Телевикторина.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 Тадбиркор ва қонун.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 «Давр»-репортаж.
19.55 Мусиқий лаҳза.
20.00 Ўзимизники.
20.10 Хотира.
20.30 ТВ-адвокат.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Бегойим.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Эсмеральда». Телесериал.
23.10 Цирк, цирк, цирк.
23.25 - 23.30 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.20 Программа передач.
17.30 «Незабываемые места Франции». Док. фильм.
18.20 «Малыши Кенгу» мультсериал.
18.30, 20.00, 21.40, 23.15 Информационная программа «Пойтахт».
18.50, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Дугоналар».
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.20 Сериал на ТТВ: «Морена Клара».
21.00 «Аёл калби».
22.00 Кинооко. «Цветок и камень». 2-серия.
23.35-23.40 Спокойной ночи, город!

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 Мультсериал.
9.10 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.10 «В поисках приключений».
11.00 Студия «Равнак» представляет.
11.15 «Лебединая песня Е. Мартынова».
11.50 Пауэрлифтинг.
12.20 Профессиональный баскетбол.
13.20-13.40 Футбол. Почетный турнир.
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 «Детский спорт».
17.30 «Нокаут».
18.00 «15-А». Сериал.
18.25 «Мастера единоборств».
18.45 «Будьте здоровы!»
18.55 «Спорт клуб».
19.05 «Комната смеха».
20.00 «Вести».
20.20 Премьера. «Близнецы». Сериал (Республика Корея)
21.15 Музыкальная программа.
21.30 «Новости».
21.45 Международный спорт: «Еврофутбол».
23.10 «Спокойной ночи!»

### 30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Бедная Настя», сериал
14.00 Художественный фильм, «Конвой», комедия
15.40 «Аёллар орзуси» передача для женщин
16.25 Документальный сериал
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Мусикий лахзалар»
18.45 «Бедная Настя», сериал
19.45 «Ошикона»
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.00 «Теле-хамкор»
21.20 «Мусикий лахзалар»
22.20 Киновечер на «30-м»: «Проезжая», мелодрама
00.00 Программа передач

### ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00, 4.00 Новости
8.05 «Небесная жизнь». Х/ф
9.10 Детектив «Виола Тараканова. В мире преступных страстей»
10.30 «101 далматинец»
11.20 Остросюжетный фильм «Двойной обгон»
13.00 «Замыслил я побег». Сериал
14.20 Сериал «Закон джунглей»
14.40 Сериал «Сыщики»
15.50 Сериал «Хозяйка судьбы»
17.10 Криминальная Россия. «Прощай, оружие!»
17.40 «Пять вечеров»
18.50 «Улицы разбитых фонарей». Сериал
20.00 Время
20.30 «Смешные люди»
22.20 Фильм «Малена»
24.00 Х/ф «Роковой полет»
1.50, 2.05 Комедия «Три помощника»
3.30, 4.05 Сериал «Относительность»

### Россия

4.00 «Доброе утро, Россия !».
7.45 Телесериал «Любовь слепа».
8.45 «Советская империя. Гостиница «Москва».
9.45, 12.45, 15.30, 23.15, 3.45 Дежурная часть
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.10, 15.40, 19.30 Вести - Москва
10.50 Телесериал «И снова Анискин».
12.15 «Ха». Маленькие комедии.
13.30 Сериал «Крот».
14.30, 20.55 Телесериал «Против течения».
16.10 «Кулагин и партнеры».
16.45 Телесериал «Кармелита».
17.45 Телесериал «Исцеление любовью».
18.45 Вести. Подробности
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Телесериал «Любовь слепа».
22.00 «Вести +».
22.20 «Его знали только в лицо. Трагедия комика».
23.30 Телесериал «Три цвета любви».
0.25 Фильм «Нет вестей от Бога» (Испания-Италия-Франция).
2.45 «Дорожный патруль».
3.00 Сериал «Закон и порядок»

### ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 «Гарфилд».
8.30 «Маска».
9.00 «Человек-паук».
9.30, 14.30 «Серая Шейка».
9.45, 14.45 «Кот и клоун».
10.00 Х/ф «Давайте без фокусов».
11.30 Х/ф «Железная маска».
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Х/ф «Путешествие единорога».
16.40 Х/ф «Взять живым или мертвым».
19.00, 1.00 Телесериал «Ее вали Никита».
20.00 Телесериал «Третья смена».
21.00 Х/ф «Карты, деньги, два ствола».
23.05 Х/ф «Стрелок».
2.00 Х/ф «Снайпер».

### НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.00 Сериал «Фабрика грез»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 23.00, 3.00 «Сегодня»
9.20 «Тайны разведки»
9.55, 19.45 Сериал «Только ты»
10.55, 18.40, 23.15 Сериал «Граф Крестовский»
12.30 Фильм «Девять дней одного года»
14.35 «Игры разума»
15.20 «Принцип домино»
16.30 «Шоу Степаненко»
21.40 Сериал «Секс в большом городе»
0.20 Сериал «Клиент всегда мертв»
1.35 Бильярд
2.10 Сериал «10 - 8»
3.15 Сериал «Джейк-2.0»
4.05 Сериал «Западное крыло»

## ЖУМА, 8

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Мовий уммон қаърида». Ҳужжатли телесериал.
«Болалар сайёраси»:
9.25 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Олтин мих». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аёл қалби». Телесериал.
11.10 «Рекснинг саргузаштлари». Мультфильм.
11.40 «Сиёсат оламида».
12.00 Янгиликлар.
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Роботи Малик».
12.15 «Дастурхон атрофида».
12.40 «Олтин бешик».
13.10 «Бегона». Телесериал.
14.00 Янгиликлар.
14.15 «Бу турфа олам».
14.50 Оҳанглар оғушида.
15.00 «Жалолиддин Мангуберди». Телеспектакль. 4-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.00 «Ўйла, изла, топ!» Телемусобақа.
16.40 «Зийнат».
17.00 Янгиликлар.
17.10 «Ҳаёт ва қонун» тележурнали.
17.40 Эстрада тароналари.
17.50 «Ҳидоят сари».
18.10 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
18.25 «Аёл қалби». Телесериал.
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 «Умр дафтари». С. Аҳмад. 2-қисм.
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.50 «Бегона». Телесериал.
22.50 Мумтоз наволар.
23.25 «Тақдир». Телесериал премьераси.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.25 «Эсмеральда». Телесериал.
9.55 Ўқишга марҳамат!
10.00 «Давр» - репортаж.
10.10 «Бузоқча». Мультфильм.
10.25 Бешбармоқ.
11.05 Ўзимизники.
11.15, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
12.10 1001 маслаҳат.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 «Даллас». Телесериал.
14.00 Болалар экрани: «Ўрмон эртаклари».
14.30 Бегойим.
14.50 «Ноилож сайёдлар». Ҳужжатли сериал.
15.40 Озод юрт фарзандлари.
16.00 Давр.
16.20 Хотира.
16.40 Очун.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.30 «Ёз-ўтмоқда соз». Фототанлов.
17.35 Тенгдошлар.
17.55 Кафолат.
18.05 2005 - Сиҳат-саломатлик йили. «Ҳаёт қадри».
18.25 Томир.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Телевикторина.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Сайёра.
20.30 ТВ-адвокат.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Эсмеральда». Телесериал.
23.10 Автосалтанат.
23.30 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
1.10-1.15 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.20 Программа передач.
17.30 «Миттивойлар мактаби».
17.50 «Чорток». Телефильм.
18.00 «Малыши Кенгу». Мультсериал.
18.10 «Эл хизматида».
18.30, 20.00, 21.20, 22.30 Информационная программа. «Пойтахт».
18.50, 21.00 Телегазета «Экспресс».
19.10 «Имконият».
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.20 Сериал на ТТВ: «Морена Клара».
21.40 «Аптека слушает». Прямой провод.
22.50 Кинооко: «Джентельмены удачи».
00.20-00.25. Спокойной ночи, город!

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 Мультсериал.
9.10 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.10 «Здоровье».
10.50 Веселый вечер «Аншлага».
12.20 «Шахматный клуб».
12.35 Пауэрлифтинг.
13.05-14.00 Легкая атлетика. Гран при.
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 «Спорт – залог здоровья».
17.30 «Спорт клуб». Ринг.
18.00 «Приз за смелость».
18.20 Мультфильм.
18.50 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.20 Премьера. «Близнецы». Сериал (Республика Корея)
21.15 Музыкальная программа.
21.30 «Новости».
21.45 «Спортсмен в запасе».
22.05 «Мировой футбол».
22.35 Международный спорт: «Снукер».
23.35 «Спокойной ночи».

### 30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Бедная Настя», сериал
14.00 Художественный фильм, «Проезжая», мелодрама
15.40 «Ошикона»
16.25 Документальный сериал
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Мусикий лахзалар»
18.45 «Аёллар орзуси» передача для женщин
19.15 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса
19.45 «Ошикона»
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.00 «Теле-хамкор»
21.20 «Мусикий лахзалар»
22.20 Киновечер на «30-м»: «Одиссея капитана Блада», приключения
00.00 Программа передач

### ОРТ

5.00 Телеканал «Доб-




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шақаржонов.

*Қадимги кулги дарғалари*

# АБУЛ ФАРОЖ

*Муҳтарам кулги шинавандалари!*

*Сиз бугун қадимий кулги дарғаларидан бири — Абул Фарожнинг жаҳон халқлари орасида юриб тўплаган ва қайта ишлов берган доно ҳикматлари ҳамда кишини илжайтирадиган теран мазмунли ҳикоятлари, латифалари билан танишасиз. Адиб тўплаган барча ашъорларидан "Мароқли ривоятлар" номи билан жуда катта китоб яратган. Шунингдек, у мусулмонликни қабул қилиб, форс ва араб тилларида пурмаъно рубоийлар, бир неча ахлоқ-одобга доир достонлар, устозлари тўғрисида марсиялар ва жиддий ҳамда ҳажвий шеърлар ижод этган, ўз она тилидан ташқари араб, форс, юнон, яҳудий, туркий тилларини яхши ўзлаштириб олган...*

*Абул Фарожнинг тўлиқ исми Григорий Иоан Бар Эбрей бўлиб, 1226 йили Кичик Осиёдаги Молатья шаҳрида туғилган. Отаси Сурия, яъни Шом мамлакати христианларидан бўлиб, ҳукимшли, зиёли эди. У ўғлининг билимли бўлиши учун астойдил ҳаракат қилган. Натижада ўғли мўғул босқинчиларининг машаққатли оғир даври бўлишига қарамай, фалсафа, астрономия, тиббиёт, адабиёт ва тарих фанларини пухта ўрганади. Форс, араб, туркий тилларда худди ўз она тилидек гапира оладиган бўлиб, ҳатто, зарур жойларда мусулмонлар масжидларида намоз ўқиш ва ваъз айтишни ҳам рисоладагидек бажарган. Ўзига арабча Абул Фарож (машаққат чеккан) тахаллусини қўйиб асарлар ёзган, баъзида табиблик ҳам қилган. Тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Синони ўзига устоз деб билган. У 1286 йили Озарбойжондаги Марога шаҳрида вафот этган. Қуйида Абул Фарожнинг "Мароқли ривоятлар" китобидан намуналар ўқийсиз.*

* * *

Бир ҳароми боланинг ўткинчиларга тош отаётганини кўрган файласуф дебди:

— Ҳой бола, эҳтиёт бўл! Отаётган тошинг отангга бориб тегмасин, яна!

* * *

Таниқли файласуф театрда бир аёлни кўриб:

— Ҳурилиқо хоним, сиз бу ерга томоша кўргани келдингизми ё томоша кўрсатганими? — деб сўрабди.

* * *

Буюк файласуф Бузургмеҳрдан сўрашибди:

— Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима?!

— Камтарлик — дея жавоб берибди у.

* * *

Ҳазилкаш табибга бориб бир бемор санчиққа қарши дори нималигини сўрабди. Табиб "Тоғ дўланасининг тиканини чайнаб кўр" дея маслаҳат берибди. Шунда бемор чўнтагидан қоғоз, қалам олиб, "Тақсир, бошқатдан айтинг, ёзиб олай" деган экан, табиб кесатиб: "Сенга бир қадоқ арпа билан тоғ дўланасининг тиканини чайнада, дедим!" дея айтибди.

— Ҳали, арпа тўғрисида ҳеч гап айтмагандингиз-ку? — дебди бемор.

— Унда сенинг нодон, узун қулоқлигингни билмаган эдим-да! — дея ғалча беморга тушунтирган экан табиб.

**Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ тайёрлади.**

*Йўлдаги ҳангомалар*

# ЎРТАДА САРСОН... ЙЎЛ ҲАҚИ

Кечки пайт катта кўчалардан бирида кетиб бораётган эдим, давлат автомобиль назоратчиси кўл кўтариб қолди. Ҳа, у бошқа кўлидаги қизил таёқчасини эмас — бўш кўлини кўтарди. Демак, мен йўл қоидасини бузганим йўқ, у қаергадир олиб бориб қўйишимни сўраса керак. Одатда назоратчилар ё кейинги кузатиш жойига ёки назоратчилар идорасига олиб бориб қўйишни сўрашади, бу йигит эса бошқа бир манзилни айтди.

— Майли, олиб бориб қўямиз, — дедим мен.

—Кира қилиб юрибсизми? — деди йигит машинамга ўтираётиб.

— Йўғ-е, шунчаки айланиб... — деб дудуқландим мен. Ахир, давлат назоратчисига "ҳа, киракашман", деб айтиб бўлармиди...

— Бошқа ким ҳам "кира қилиб юрибман", дея олади, — дедим мен.

— Тирикчиликнинг айби йўқ, амаки, — деди йигит.

Мен бу самимий йигитга борини — сабаби тирикчилигу аслида гоҳ-гоҳ иш, яъни ижод юзасидан кўча айланиб қўйишимни очиқ айтдим.

— Шунақами? — деди йигит кулиб. — Келиб-келиб ёзувчини тўхтатибман-да?

— Ҳечқиси йўқ, сизлар менга қанча яхшилик қилгансизлар, бир хизмат қилсак қилибмиз-да, — дедим мен ҳам.

Йўл-йўлакай уёқ-буёқдан гаплашиб кетдик. Мана, назоратчи йигитимиз манзилига ҳам етиб келди. У тушаётиб чўнтагидан пул чиқара бошлади.

— Йўқ, йўқ, овора бўлманг, сиздан пул олмайман, — дедим мен унинг узатган пулини қайтариб.

— Йўқ, олинг, бу ҳалол меҳнат ҳақингиз, йўл ҳақи, — деди йигит.

— Йўқ, олмайман, мен розиман, — дедим мен.

— Мен ҳам мингдан-минг розиман, олинг, — деб қистаб турволди йигит.

Йўл ҳақи шу тарзда анчагача ўртада сарсон бўлди. Аммо йигит қўймади, пулни шартта қўйиб машинадан тушиб кетди. Пул кўтариб орқасидан югуришни ўзимга эп кўрмадим, биринчидан жуда ҳалол йигит экан, иккинчидан — автомобиль назоратчисидан ҳам кира ҳақини эплаган олади. А, лаббай?..

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

**Ҳар йили 27 июнда юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрамона нишонланади. Бу галги матбуотчилар байрамида ҳаваскор аскиячи-журналистлар Мурoджон билан Носиржонлар иштирокида газета ва журналлар номлари пайровида қуйидаги аския бўлиб ўтди.**

# АСКИЯ

**Муроджон** — Буни қаранг Носиржон, таътилда бўлганим учун матбуот кунини ҳам унутаёзибман. Салқинда мазза қилиб "Ҳордиқ чиқариб ётсам, бирдан "Даракчи" бориб қолди. Апил-тапил кийиниб, пайровга шай бўлиб келганим.

**Носиржон** — Қойил, "Даракчи" дарак бермаганида шундай ажойиб кунни унутиб, қадимий "Сўғдиёна" билан Бухорои шарифни томоша қилишга ҳам жўнаворармидингиз?!

**Муроджон** — Чу дегандан кесатиққа ўтманг дўстим. Кеча ўзим ҳам бугунни эсдан чиқармаслик учун уйимиз "Бека"си, яъни болаларнинг онаси "Бегойим"га айтиб, дастрўмолнинг учини тугдириб қўйганман. Саёҳатга боришга барибир бораман. Фарғонадек, "Олтин водий"ни бир айланиб чиқиб, қўқонлик, ҳам марғилонлик аскиячилардан пайровлар эшитиб, Зарафшон, Хоразм, Сурхон воҳаларига ҳам ўтаман.

**Носиржон** — Ҳамкасб, аслида мен ҳам таътилда бўлганимда бирга борарканман-да! Биласизми, она юртимиз ерларининг таги ҳам, усти ҳам турган-битгани "Ҳазина"ларга бой. Юртбошимиз таъбири билан айтганда ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлиб қолмаймиз. Келажаги буюк мамлакат қурищда ишлаимиз авжида. "Ҳуррият"имиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

**Муроджон** — Оббо, дўстим-ей! Сўзларни маржондек териб юбордингиз, яна "Кўнгил"га олманг, "Дилкаш" бўлганингиз учун ҳазиллашяпман.

**Носиржон** — Биламан, мустақиллик туфайли анча "Мулкдор" бўлиб қолдингиз. Мен бўлсам ҳақиқий "Савдогар"га айландим. Иккимизнинг ҳам бошимизга "Ҳумо" қуши қўнгандек "Мотор"ни юзага қўйиб, ажойиб мақолалар билан "Мухлис"ларга танилдик. Энди келинг, аввал "Саодат"ни ҳам, "Гулчеҳралар"ни, кейин "Муштум" тоға ва унинг шериги "Афанди"ни, қолаверса Ватанимиз посбонлари — "Ватанпарвар" йигитларимизни "Постда"ги барча сокчиларимизни, айниқса "Нуроний" онахону отахонларимизни байрам билан қутлаб, ҳаммаларига "Сиҳат-саломатлик" тилаб, келажагимиз бўлган "Соғлом авлод учун" узоқ умр, уларнинг "Тонг юлдузи"дай порлайверишларини тилайлик!

**Муроджон** — Индамасам Носиржон графиндаги "Сув — Оби Ҳаёт"дан ҳўпламай, "Оила ва жамият" мавзуида ҳам узундан узун маъруза ўқиб, охиста гапни "Қишлоқ ҳаёти"га бурмоқчисиз-а! Бундоқ "Адолат" тарозусини қўлга олиб, "Холис" гап ҳам қилинг-да! Мамлакатимизнинг барча "Маҳалла"ларидаги юзлаб "Хонадон"ларда обуначиларимиз бор. Шунингдек, ўзларининг ажойиб материаллари билан чиқиш қилаётган фаол ёзувчи, шоир, рассом, бастакорларни ҳам байрам билан табриклайлик!

**Носиржон** — Энди ўзингизга келдингиз, дўстим! Ҳозир мамлакатимизда "Миллий тикланиш" даври авжида, "Фидокор", ёшларимизга "Ибрат" бўладиган "Хабар"ларни айтишимиз керак. "Тадбиркор"у "Мулкдор"ларни "Экосан"чиларни ҳамда радио ва телевидениедаги "Садо"чиларни ҳам унутмайлик!

**Муроджон** — Буларни унутиб бўлармиди, дўстим! Матбуот соҳасидаги ўсишимизда барча матбаачиларнинг хизматлари катта. Етар, гапни "Чархпалак" қилиб айлантиравермайлик. Бўлмаса "Сайилгоҳ"да бўладиган байрам тантаналарига кеч қоламиз. Пайровнинг давомини ўша ерда давом эттирайлик! Қани, кетдик!

**Оққа кўчирувчи Олим БЕКОВ.**

Истеъдод табиат томонидан ёзувчига бахш этилган ноёб армуғондирки, уни меҳнатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки у меҳнат билан ўсади, вояга етади. Мана, қўлимизда заҳматкаш қалам соҳибларидан бири ёш ёзувчи Даврон Избосаровнинг яқинда чоп этилган ҳикоялар тўплами.

Тўпламга киритилган ҳикояларда асосан муҳаббат мавзуси тилга олинади. Олдиндан айтиш керакки, муаллиф бу борада бирмунча ижобий натижаларни қўлга киритган, кўзланган мақсадига эришган. Албатта бу билан тўплам бир қатор камчиликлардан мустасно демоқчи эмасмиз. Зеро, дунёда ҳеч бир нарса мукаммал яратилмаганидек, ёзувчиларимиз томонидан "игна билан қудуқ қазиш"дек машаққатли меҳнат эвазига қўлимизга етиб келган асарлар ҳам бенуқсон бўлмайди.

Келинг, гапни майдалаб ўтирмай, мақсадга ўтайлик. Шу ўринда сўзни китоб сарлавҳасидан бошлаш жоиз деб ўйлаймиз. Унга "Муҳаббат кўзгуси" деб ном берилибди. Хўш, бу билан муаллиф нима демоқчи? Наҳотки у ана шу бир оғиз сўз билан абстракционизмга йўл қўяётганлигини сезмаса. Ахир икки ёшнинг дарди, ҳасрати, ҳистуйғуси саналган муҳаббатда қачон кўзгу бўлибдики, бу сафар у ялт этиб кўзга ташланиб турса? Агар "Муҳаббат" сўзи атоқли от маъносида келганда бу фикрга қисман қўшилиш мумкин эди. Зеро бу ерда "Муҳаббат" турдош от вазифасини ўтаяпти.

Энди "Ишқ дафтари" ҳикоясидаги мана бу эпизодга эътибор беринг. "Тўйдан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас ишга борган Фозилжон кечқурун уйга қайтиб келганида турмуш ўртоғи келинчак Барнохон

# ТАҚРИЗ

ҲАЖВИЯ

эрини очиқ чеҳра билан кутиб олди-да, ариқ лабида турган обдастани чаққон олиб келиб, Фозилжоннинг қўлига сув қуйди".

Қани, биргалашиб бу сўзларни таҳлил қилиб кўрайликчи, унинг ортидаги маъно ўз ифодасини тўғри топганмикан? Биринчидан, жумла ўлгудек узун, 35 сўздан иборат. Бу китобхонни зериктиради. Иккинчидан, ана шу бир гапнинг ўзида ёзувчи бир нечта хатоликка йўл қўйган. "Тўйдан кейин" жумласи олдига "эскича" сўзи қўшилиши лозим ва зарур деб ўйлаймиз. Чунки шу биргина топилма тўйнинг эскича ўтганини англатиб турарди. Бизнингча, қадимий урф-одату анъаналаримиз тикланаётган бир даврда қаламкаш укамиз кўзи ҳаётга тийрак кўз билан қараши ва табиийки, бу ўзгаришларни ижодкорона дарҳол илғаб олиши керак эди. Бу албатта ёзувчининг топқирлигидан дарак берарди. Ҳеч қачон кўёв тўйдан бир ҳафта ўтар-ўтмас ишга бормайди. Чинакам севиб уйланган йигит камида бир ой уйда қаллиғи олдида ўтиради. Ахир бу ерда асал ойи деган гап ҳам бор-ку... Бу албатта ҳаётни синчиклаб ўрганмасликдан, тажрибада синаб кўрмасликдан. Назаримизда қаламкаш укамизнинг ўзи ҳам бўйдоқ кўринади.

Барнохон эрини очиқ чеҳра билан кутиб олиши хусусида гапирмаса ҳам бўларди. Чунки энди чимилдиқдан чиққан келин ҳеч қачон эрини хўмрайиб қарши олмайди. Келиннинг куёв қўлига сув қуйиши муносабатига келсак, бу ўта кетган эгоистлик. Бизнинг давримизга ёт иллат. Ҳозир аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқли замонда Фозилжон қўлини ўзи бориб ювиши, кейинчалик бу ҳақда келинга ётиғи билан тушунтириши, илло, бундан кейин бу сарқитни такрорламаслигини уқтириши лозим деб ўйлаймиз. Қолаверса, техника тараққиёти шундай даражага кўтарилган бир даврда қўл ювиш мосламаси топилмаганмиди, деган фикр ҳам туғилиши мумкин-да, китобхонда.

Буюк сўз усталаридан бири шундай деган экан: "Ёзувчи ўзи айтаётган нарсани тўла-тўкис ифода этиши учун у маҳоратни шундай эгаллаган бўлиши кераккки, токи у ёза туриб юраётган одам механика қонунлари ҳақида қанчалик кам бош қотирса, у ҳам маҳоратнинг қонун-қоидалари ҳақида шунчалик кам бош қотирсин". Бу сўзлар қаламкаш укамизнинг байроғи бўлиши керак-да ахир. Афсуски бундай бўлмаган. Натижада тўпламда кўпгина чалкашликларга йўл қўйилган. Фикримизнинг исботи учун яна мисолларга мурожаат қилайлик.

"Тун қиз кўзидек қора эди" дейилади "Фироқ" ҳикоясида. Ёки бўлмаса "Дарахтдаги булбул севишганлар ҳақида қўшиқ айтарди гўё...". Юзаки қараганда юқоридаги фикрлар тўғридек туюлади. Лекин масалага жиддий ёндошилиб, чуқур таҳлил қилинса, ушбу жумлаларда ёзувчи маҳоратнинг ожизлиги сезилиб туради. Аввало тун ҳеч қачон қиз кўзидек қора бўлмайди. Чунки кўз тим қора, тун эса бироз ёруғроқ бўлади. Наҳотки қаламкаш дўстимиз осмонда ой ва юлдузлар ҳукм суришини унутиб қўйган бўлса. Агар тасвирда қиш бўлса бошқа гап эди. Бу ўринда биз ҳаво булутли бўлишини назарда тутяпмиз. Лекин ёзувчи ҳикоя қилаётган воқеа айнан ёз палласида ўтаяпти. Энди иккинчи фикрга келсак, булбулнинг қўшиқ айтишини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Булбул сайрайди, холос. Қани бу ерда устоз адиб айтган маҳорат?

Муҳаббат мавзуида ёзилган ҳар бир асар ўзининг оригиналлиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак. Ёш қаламкаш бу борада анчагина муваффақиятларни қўлга киритган. Лекин ўхшаш фикрлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ёзувчининг: "Севги висоли" ҳикоясида йигит қизга таъзим қилиб:

— "Ҳа, сизни севишим рост", — дейди. Ахир бу каби сийқа гаплар устоз ёзувчиларнинг асарларида такрорланавериб, китобхонларнинг меъдасига тегиб кетган-ку. Бизнингча йигит шу гапнинг ўрнига қизга қараб: "Ишқингизда куйиб чўп-устихон бўлиб кетдим", деб бир зум осилган қовоғини ичига тортиброқ турганида мақсадга мувофиқ бўларди. Шу гапдан кейин қиз албатта, йигитни бошқачароқ кузатарди. Қовоғининг тортилиб қолганини кўриб, йигитга раҳми келарди.

Бир замонлар Машраб: "Бехабар бўлсанг агар, сардафтарими кавлама" деган экан. Унинг фикрини ривожлантириб, шуни айтиш кераккки, агар ёзувчи ҳаётни билмаса, унинг ёзган асари ҳам ҳамиша хом-хатала бўлади. Устоз ёзувчилар маҳоратини ўрганиш, тинимсиз изланиш, узоқ ва мустақил машқ қилиш натижасидагина ўқувчиларга манзур бўладиган асар яратиш мумкин.

Умуман, юқоридаги камчиликлардан қатъи назар бу тўплам китобхонларда катта қизиқиш уйғотади ва уларнинг қалбига тўғри йўл топа олади, деган умиддамиз. Ҳозир тўплам китоб дўконларида сотилмоқда. Уни харид қилишга шошилинг!

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

*Бу — қизиқ*

## ПОЛВОН ЙИГИТ

Андарскдаги Эль-Серрат шаҳрида яшовчи 22 ёшли Эухенио Ламедра деган йигитни полвонимиз деб аташади. Бунга сабаб, полвоннинг ўз вазни 76 килограмм, бўйи 170 сантиметр бўлишига қарамай, Эухенио оғирлиги бир тонна келадиган тегирмон тошини ердан қўзғата олади.

Сал олдинроқ уч ёшли катта буқани елкага олиб, 220 метр йўл юрган ҳам эди. У гўшт ейишга бефарқ бўлса-да, аммо жўхори ва шолидан тайёрланган овқатларни иштаҳа билан истеъмол қилади.

## ПОЙГАЧИ ТУЯҚУШ

Бразилиядаги Мараньян штатининг Императрис шаҳри стадионида туяқуш пойгаси ўтказилди. Шимбу лақабли икки ёшли туяқуш 3 километру 870 метр масофани 2 минутда босиб ўтиб, мусобақанинг мутлақ чемпиони бўлди.

## КЎПИГА КЎП ЧИҚАДИ

Мексиканинг Юкатан штатида яшовчи Архоне деган кишига учинчи марта омад кулиб боқди. Унга мамлакатда ўтказиладиган лотерея ўйинида энг катта ютуқ — 12 миллиард песо (бу тўрт ярим миллион долларга тўғри келади) чиқди.

Катта пул ютуғига эришиш учун кўплаб лотерея билетларини сотиб олиш керак, деб билади Хосе. Сўнгги катта ютуққа эришиш учун у бир ярим миллион песолик лотерея билетларини сотиб олган эди.

* * *

Ҳинд олимлари ва қурувчилари ўрта аср ҳинд меъморчилигининг машҳур ёдгорлиги — Андхра-Прадлеш штатидаги Кудавелли Сангамешвара ибодатхонасини қутқариш юзасидан ноёб операцияни амалга оширдилар. Баланд-лиги йигирма метр келадиган бу бино шу яқин атрофдаги Кришна дарёсида тўғон қурилаётганлиги туфайли сув босмаслиги учун 600 метр четга сурилди.

Бу ишлар ўн йилдан кўпроқ вақт давом этди. Ҳозирги минг йиллик бошларида харсанг тошлардан қурилган мазкур ибодатхона эҳтиёткорлик билан бузиб олинди. Шундан кейин ҳар бир тош ва ибодатхона деворларига безак хизматини ўтовчи жиҳозлар махсус тайёрланган ғўлалар устида юргазилиб, "янги жойга" олиб борилди. Бу ишларнинг барчаси қўлда бажарилди. Чунончи, "Таймс оф индиа" газетасининг хабар қилишича ибодатхона тошларининг бирортаси ҳам арраланмаган. Ҳолбуки, одатда катта бинолар кўчирилаётганида йирик тошлар кесилиб, ихчамлаштириб олинади.

* * *

Перу қишлоқ хўжалик ва саёҳатлар вазирликлари ҳамда маданият миллий институти имзолаган битимларга мувофиқ XIV — XV асрларда яшаган ҳиндулар маданиятининг нодир ёдгорлиги — Мачу-Пикчу қалъа — шаҳрини сақлаб қолиш учун 96 минг доллар пул ажратилади, деб хабар қилди ЭФЭ агентлиги.

"Радиодеталлари" дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар жамловчи, электрон ва аудио ва видео, ўлчов асбобларини харид қилади ва сотади:

Телефон: 68-93-93

Миробод туманидаги "Тожибой-ота" хусусий фирмаси жамоаси фирма бош директори Жўра Тожибоевич Мирсаидовга волидаи муҳтарамаси **КИМЁХОН ҲОЖИОНА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Зангиота туманидаги "Алнур Мавлуда" фирмаси жамоаси фирма раҳбари Мовлуда Хожаевага волидаи муҳтарамаси **КИМЁХОН ҲОЖИОНА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Вирусли гепатит ўткир юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилиши билан кечади. У соғ одамга гепатит билан оғриган беморлардан юқади. Касалликнинг яширин, яъни юқиш хавфи кучли бўлган даври 7 кундан 35 кунгача чўзилади. Бу вақтда бемор касаллик тарқатувчи микробларни нажосати орқали ташқарига ажратади.**

*Саломатлик*

# ВИРУСЛИ ГЕПАТИТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Беморларнинг идиш-товоқлари, ўйинчоқлари ва бошқа ишлатган нарсаларидан фойдаланганда ифлос қўллар орқали касаллик тарқатувчи микроблар соғ одам организмига тушиб касаллик чақиради. Касалликнинг биринчи белгилари қувватсизлик, иштаҳанинг сусайиши, қоринда оғриқ пайдо бўлиши, кўнгил айниб, қайт қилиш, кўз склерасида, терисида сариқлик пайдо бўлиши, пешоб ва ахлат рангининг ўзгариши билан кечади.

Гепатит оиладаги ёш болалар ва қарияларда оғир кечади, бир кишидан иккинчисига юқиши ҳисобига ҳатто оила аъзоларининг ҳаммаси касалликка дучор бўлиши мумкин. Вирусли гепатитнинг А, В, С, Д, Е турлари мавжуд бўлиб, кўпроқ «А» формаси ифлосланган қўл орқали юқса, «В» формаси ифлосланган тиббий жиҳозлар орқали муолажа даврида юқади ва гепатитнинг «А» формасига қараганда клиник жиҳатдан оғир кечади ва кўплаб асорат қолдиради. Вирусли гепатитнинг «В» формаси — тиббий муолажадан ташқари тиш даволатишда, сартарош, маникюрга мурожаат қилганда, тиш чўткаси, сочиқдан умумий фойдаланганда юқиши аниқланган.

Вирусли гепатитнинг олдини олиш учун вакцина ишлаб чиқарилган, эмланганларда касаллик аломати енгил ўтиши ва асорат қолмаслиги илмий тасдиқланган. Шунинг учун 7 ёшга қадар бўлган болалар давлат томонидан бепул эмланиб, гепатит касаллигини камайтиришга эришилмоқда.

Гепатитнинг олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

— овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан чиққандан кейин албатта, қўлингизни совунлаб ювинг;

— сабзавот ва меваларни ичимлик сувида ёки қайнаган сувда чайиб енг;

— уйингизни, ҳовли ва кўчаларингизни озода тутинг, ифлосланишига, ахлатлар тўпланишига йўл қўйманг;

— корхона ва яшаш жойларингизда санитария-гигиена қоидаларига амал қилинг;

— болаларингизга сақич ва писта берманг.

Вирусли гепатит касаллигининг асосий сабабчиси «ифлос қўллдир». Буни доимо ёдингизда сақланг.

Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганидаёқ дарров шифокорга мурожаат қилинг. Касалликни уйда ўз билганингизча даволаш кўпгина оғир оқибатларга олиб келишини унутманг.

**З.ЭРМАТОВА,**

**Юнусобод туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудири.**

*Футбол*

# САФАРДАГИ ҒАЛАБА

**Мамлакатимизнинг олти шаҳрида ўтказилган XIV миллий чемпионатнинг 12-тур беллашувларида шаҳримиз жамоалари сафарда тўп суришди.**

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, сафардаги баҳслар пойтахт жамоаларига яна омад келтирди. Чунки "Пахтакор" ҳам, "Трактор" ҳам меҳмонда муҳим учрашувлар ўтказиб ғалаба қозонишди.

Бу сафар мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" Зарафшон шаҳрида "Қизилқум" жамоасига қарши майдонга тушди. Аввалги йилларда анча муваффақиятли ўйинлари билан номдор жамоалардан бирига айланган "Қизилқум" тошкентликларга муносиб қаршилик қилишга интилди. Шу боисми, биринчи бўлим тенг курашлар остида ўтди. Аммо, иккинчи бўлимда тажриба, маҳорат ўз сўзини айтди. 48-дақиқада моҳир ҳужумчи Гейнрих томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган гол учрашув охиригача ягоналигича қолди ва пахтакорчилар уч очкони қўлга киритиб, турнир жадвалидаги мавқеларини сақлаб қолишди.

Бекободда "Металлург" жамоаси билан куч синашган "Трактор" футболчилари ҳам ушбу кескин, шиддатли ҳужумларга бой ўтган баҳсда чиройли ўйин кўрсатишди. Гарчи биринчи тўп мезбонлар футболчиси Чориев томонидан 52-дақиқада киритилган бўлсада, орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас Умрзоқов жамоадошлари бошлаб берган ҳужумни қойилмақом тарзда ниҳоясига етказди ва учрашувдаги мувозанатни тиклади — 1:1. Қизиғи, футбол мухлислари иккинчи голни оз эмас, кўп эмас 37 дақиқа кутишларига тўғри келди. "Трактор" аъзоси, тажрибали Соломин ўйин якунланишига бир дақиқа қолганида мезбонлар дарвозабонини хато қилишга мажбур эта олди. Учрашувда 2:1 ҳисобида енгиб, уч очкога эга бўлган "Трактор" жамоаси мухлисларига қувончли онларни ҳадя этди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: "Навбаҳор" — "Сўғдиёна" — 4:0, "Машъал" — "Насаф" — 0:2, "Бухоро" — "Шўртан" — 2:1, "Самарқанд— Динамо" — "Тўпаланг" — 4:2.

Навбатдаги 13 тур баҳслари 1 июлда бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Мунажжим башорати*

**2 ИЮЛЬ, ШАНБА**

**Самовий юлдузлар жойлашиши бугун иложи борича таваккалчиликка йўл қўймай, саломатлигингизни асрашни ҳамда ҳар қандай ишда эҳтиёткор бўлишни тақозо этади. Алдовлар ва қора ниятли ўйинлардан йироқроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Самода шу куни ижодий эркинлик руҳи ҳукмрон бўлади ва бундай пайтларда амалий ишларда ҳам, ижтимоий-сиёсий ҳамда тор шахсий ҳаётда ҳам ўзбошимчалик ва кўнглига келганини қилишга интилиш авжига чиқади.**

Бугун — яъни Ой тақвимининг 26-куни хавф-хатардан ҳоли бўлиш мақсадида сукут сақлаш, қимматбаҳо нарсаларингизни қаерда сақлашингиз ва қачон, неча кунга уйингизни тарк этишингизни бировга гапириб юрмаслигингизни истар эдик. Шу куни сабр-қаноат ва рўза куни ҳисобланади ва куч-қувватингизни ортиқча сарфлашдан эҳтиёт бўлганингиз маъқул.

Тезда ўз аҳамиятини йўқотадиган ишлар билан шуғулланиш, банк операциялари, битимлар, шартномаларни имзолаш, ёзишмалар, ахборот алмашувлари ҳам бугун самарали ва муваффақиятли бўлади. Дам олиш ва шаҳар ташқариларида сайру саёҳатда бўлиш ҳам бугунги кунни безайди.

Қарзларни қайтариш, ўзаро муносабатларни тиклаш ва муросага келиш, кечиримлилик ва меҳр-мурувват кўрсатиш учун ҳам бугунги кун хайрли ҳисобланади. Оилавий байрам уюштириш, болаларни хурсанд қилиб, уйларни безаш билан шуғулланинг.

Бугун бошқалар йўқотган нарсаларни олиб бўлмайди — бировлар юкини зиммангизга олган бўласиз. Майда пул ёки арзимас мулкларни йўқотиш — турли нохушликлардан қутулишингизга ишора. Ҳовлингиздаги гулнинг очилиши ҳам бугун яхшилик аломати ҳисобланади.

**ШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— имкон қадар ҳар қандай иш ва ташвишлардан дам олиш;

— сув ҳавзалари яқинида ҳордиқ чиқариш;

— ўзингиз суйган кишилар билан кўпроқ вақтингизни ўтказиш;

— гўзал нарсалар ва ўзингизга ёққан кишилар даврасида бўлиш;

— телевизор кўриб, кундалик ишлардан ҳоли бўлиш тавсия этилади.

**3 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА**

**Бугун орттирган янги танишларингиздан яхшилик кўрасиз. Шунингдек, бугун яхши хушхабарлар, қувончли воқеа-ҳодисалар ҳамроҳингиз бўлади.**

Мунажжимлар таъбирига кўра, бугунги кун жуда сирли кунлардан бўлиб, шу куни хазиналар очилади, тақдир туҳфаларини оласиз. Лекин бу эзгуликлар уларни яхши тасарруф эта оладиган, ишнинг кўзини биладиган кишиларгагина насиб этади. Мулк ҳақида қайғуриб, уни кўпайтириш ҳақида ўйлаш талаб этилади. Катта меҳнат талаб қиладиган ишларни бошлаш, бекорчи сарф-харажатлардан қочиш, амалга ошмайдиган режалар ва ғояларга эргашмаслик керак. Бошлаган ишингизни охирига етказишингиз керак бўлади.

Меҳмонларни таклиф қилиш, совғалар, ҳадялар қилиш, саховат ва олижаноблик кўрсатиш хайрли бўлади. Бугун сув шифобахш хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун, имконияти бўлса, анҳор ёки бошқа сув ҳавзаларида, ҳеч бўлмаса, ваннага тўлдирилган муздек сувда чўмилиб олинг.

Кутилмаганда қўлингизга пул тушгани бугунги куннинг яхши аломатларидан ҳисобланади. Мабодо, ялтироқ тош топиб олсангиз, сирли, янги, омадли учрашувлар кутади. Калит ёки майда пулларни йўқотиш нохушликларга ишора.

**БУГУН:**

- қунт билан ўқиш ва ишлаш;
- янги танишлар орттириш;
- ота-оналар ва бошқа қариндошлар билан мулоқотда бўлиш;
- ирода ва феъл-атворингизни чиниқтириш;
- кундалик ишлар билан банд бўлиб, жиддий вазифа қўймаслик;
- турли муаммоларни ҳал этишда уддабуронликни намоён этиш тавсия қилинади.

**4 ИЮЛЬ, ДУШАНБА**

**Юлдузлар жойлашиши одамларда иш қобилиятини оширади. Демак, бугун омадингиз меҳнатсеварлигингизга боғлиқ бўлади.**

Бугун ҳеч нарсани пинҳон тутиб бўлмайди. Кўпроқ очиқ ҳавода бўлиб, хоналарга камроқ кириш лозим, меҳмонлар ва сайёҳлар учун эшигингиз очиқ бўлсин. Бирон нарса сўрашса - ачинмайдиган нарсаларингизни беринг. Метрода бекорга сайр қилишдан, ертўла, ерости омборларига кўп тушишдан бугун ўзингизни тийинг.

Бугунги кун сафарлар, молиявий тадбирлар, мулоқотлар ва янги танишувлар учун хайрли бўлади. Ҳар қандай қўл меҳнати, ҳунармандчилик, тикишбичиш ва шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланиш мумкин. Харидлар, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, таъмирлаш ва қурилиш ишларини бошлаб юбориш учун ҳам бугун яхши вақт ҳисобланади. Бугун дарахтларни қирқиш, гул узиш мумкин эмас. Бировларни алдаш, ғийбат қилиш, ёмонлашдан ҳам тилингизни тийинг.

Бугун ёмғирда қолиб кетиш, камалакни томоша қилиш — яхшилик аломати. Шамол ва булутларга қараб, яхшилик ва нохушликлардан бохабар бўлиш мумкин.

**ДУШАНБАДА:**

- муҳим ишларни бошлаш;
- иш ва ўқиш жойини ўзгартириш;
- янги мутахассислик, янги техникани ўзлаштириш;
- омадингиз, бахтли тасодифларга суяниб иш кўриш;
- ўз куч ва вақтингизни тўғри тақсимлаш;
- ёрдам сўраб дўстларга мурожаат этиш тавсия қилинади.

*Экология*

# ТАБИАТНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

**Болалар экологик клублари республика уюшмаси ўзининг кейинги бир йиллик фаолиятига якун ясади. Шу тадбир муносабати билан экомарафон ўтказилди.**

Ўлкамиз яшил табиати ҳамда ҳайвонот оламини ўрганишга бағишлаб ташкил этилган муҳим экологик тадбирда пойтахтимизда ишлаб турган болалар экологик клублари ҳам иштирок этдилар.

"Ёш тадқиқотчи" клуби аъзоларининг "Ўрта Осиё тоғ ўрмонлари" деган мавзуда тайёрлаган саҳна кўриниши кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

"Феникс" экологик клуби томонидан тайёрланган кўргазмада энергияни тежашга бағишланган плакатлар ҳам намойиш қилинди.

Шунингдек, «Осиё клуби» ҳам ўз салоҳиятини кўрсатди.

Ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш умумжаҳон жамғармаси ҳомийлигида уюштирилган бу тадбир ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Акбар АЛИЕВ**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Бойликнинг умри боқий бўлмайди. У гўёки сувли чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзингни очиб-юмгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

**Эшитдимки, жамшид — соҳиби олам,**
**Чашмадаги тошга ўтириб шу дам,**
**Деди: «Кимлар бунда ўтирган шодон,**
**Аммо, кўз очмайин бўлгандир вайрон»!**

● Барзу ал Ҳаким айтади:

— Беш киши, беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тотади. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва балога мубтало бўлади, учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан ғофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, ҳаёли, покдамон хотинни қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

● Яна Барзу ал Ҳаким сўзлади:

— Бир неча нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобеъдир.

Масалан, мурувват ақлга, рой ва тадбир тажрибага, яқинлик муҳаббатга.

● Бир ҳакимнинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари:

— Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етади. Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, пайт пойлаб, жонидан тўйгач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлғончи эканлигини билиб туриб, айтган гапида жон бордир деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма! Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма!

● Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, таклиф этилмаса ҳам ўтиришда тўрга чиқишга интилган киши. Учинчиси, биров эшитишни истамаса ҳам, зўрлаб гапирган киши!

● Икки тоифа киши борки, бирор нарсани орзу қилади, аммо бунга етиша олмайди. Биринчиси, гуноҳ қилиб қўйиб, азобдан қутулмоқчи бўлган киши. Иккинчиси, ўз бойлиги билан дунёда ҳаловат топмоқчи бўлган бадавлат киши!

## ЎЗИНГДАН ЎПКАЛА

Тўққиз қаватли бино олдига кимдир ахлат тўкиб кетибди.

— Бу кимнинг иши? Ахир тўрт қадам нарида махсус ахлатхона турганда у ерга боришга эриниб, шундоққина уй рўпарасига ахлат ташлаб кетганларини қаранг, — тажанг бўлди шу уйда яшовчилардан бири.

Эртасига қараса ўша қўлбола ахлатхона яна ҳам катталашибди. "Ҳашарчилар" кўпайишибди чоғи. Олди олинмаса бўлмайдиган кўринади. Бу ҳақда маҳалла оқсоқолига хабар қилинди.

— Ўзингиз яшаётган уй бўлса, бу номаъқулчиликни ким қилаяпти, ўзларингиз кузатсаларингиз бўлмайдими? Шунга ҳам мен бориб одамларни тўплаб тушунтириш ўтказишим керакми? Ахир бу ишни қиладиган уй бошлиғи борку, ўзларингизда.

У бунга, буниси унисига солди. Сансалорлик оқибатида ахлатхона тобора қад кўтараверди. Бир-иккита жонкуяр ҳам унга-бунга айтиб, чора тополмагач, "бор-е, менга нима" дедиларда, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Бора-бора ахлатхона йириклашиб, энди ундан таралаётган нохуш ҳидга чидай олмайдиган бўлишди. Ҳар куни қўшнилар ўртасида жанжал.

— Қўшни уйдагиларга айтинг, шу ерга ахлат ташлашмасин.

— Бу гапни ўзингизникиларга айтинг, ҳар куни кузатаман, қизингиз ҳеч уялмай челак-челак ахлатни шу ерга ағдаради.

— Тунов куни сизнинг ҳам аёлингиз чиқиндиларни шу жойга тўкаётганини ўз кўзим билан кўрдим.

Ахлатхонанинг довруғи туман ҳокимлигигача етиб келди.

— Ёрдам беринглар, — дейишди ўша уйда истиқомат қилувчилар. — Ахлатхонани йўқотмаса бўлмайди. Қачонгача чивинларга таланамиз?

— Ахлатхонани йўқотиш ҳеч гап эмас, — дейишди ҳокимиятдагилар. — Лекин бу иш биз томондан бажарилса, баъзи ишёқмаслар шунга ўрганиб қолишади-да "Биз тўкаверамиз, улар тозалаб беришаверади", деган хаёлга боришади. Агар ўша уйдагилар жам бўлиб бу ишни ҳашар йўли билан амалга оширишса, бунинг натижаси самарали бўлади. Уни тозалашда қатнашиб, пешона тер тўккан кишилар иккинчи марта бунақа номаъқулчиликка қўл уришмайди.

Шундай қилинди. Ахлатхона ҳашар йўли билан тозаланди. Оқсоқол бошчилигида ахлатхона ўрнига бир неча туп мевали дарахтлар экилди. Бугун улар барг чиқариб атрофга файз киритиб турибди.

Шундай азизлар, ўзимиз тўзитдикми, ўзгалардан ўпкаламай, юқори ташкилотларга чопиб ёрдамга чақирмай, ўзимиз тартибга келтиришни ўрганайлик. Ана шундагина, қадамни ўйлаб босамиз.

## АСЛИДА НОН БЕБАҲО

Нон — ҳаётимиз зийнати, турмушимиз фаровонлиги. Нон — халқимизнинг бахти, фахру ифтихори. Шунинг учун ҳам биз уни ҳамма нарсадан азиз ва мўътабар деб биламиз. Ризқу рўзимиз деб эъзозлаймиз. Бу бебаҳо неъматни тежаб-тергаб ишлатиш ва унинг бир бурдасини, ҳатто ушоғини ҳам исроф қилмаслик ҳақида қайта-қайта гапирилаётганининг ҳам боиси шунда.

Наманган сафаридан қайтаётганимизда ҳамроҳларимиздан бири Поп туманидаги шоҳ кўча чеккасида жойлашган кичик бозорча олдидан ўтаётиб:

— Мана шу ерда яхши нон сотишади, уйга болалар олдига қуруқ кириб бормай уч-тўрттадан олволмаймизми? — деб қолди.

— Нон яхши, арзон бўлса олволайлик, — дедик биз.

Келишганимизда анча олға юриб қўйган машинамиз орқага қайтишга мажбур бўлди. У бозорча рўпарасига келиб тўхтади.

Ҳаммамиз баравар кабинадан тушдик. Қўлинг ўргилсин, бўрсилдоқ нонлар кўзни қамаштиради. Уларга тикилиб туриб ҳавасингиз келади. Бирбиридан сифатли. Самарқанднинг донғи чиққан нонларидан қолишмайди.

Бир чеккадан нон нархини суриштира кетдик.

— 250 сўм, 300 сўм, 200 сўмлик, қўйингчи 50 сўмликкача ҳам нон бор. Қай биридан олишга бошимиз қотди. Биз ўйланиб қолганимизни кўрган новвойлар зўр бериб, ўз маҳсулотини тиқиштирарди.

— Мана мендан олинг, мана мендан олинг.

Фақат биргина шу сўз атрофни қоплаб олганди.

— Оламану сал қимматроқда.

— Арзонроқ қилиб бераман. Келинг, сиз 200 сўм бераqолинг.

Хуллас тўрт киши танлаб-танлаб 6 тадан патир нон харид қилдик. Аёл маҳсулоти ўтганига, биз у айтганидан арзонроқ баҳода олганимизга хурсандмиз.

Нонларимизни қўлтиқлаб яна машина кабинасига ўтирдик. Бир зумда ҳамма ёқни хушбўй ва мазали нон ҳиди қоплади.

— Қаранглар, — дейди ҳамроҳларимиздан бири, — нақадар ёқимли ҳид-а.

— Ҳа, — дейди унга жавобан яна бири. — Ҳеч нарсанинг ўрнини нон ҳиди боса олмайди. Аслида ноннинг ўзи бебаҳою яна нуқул баҳосини суриштирганимиз-суриштирган.

— Чиндан ҳам ноннинг баҳоси йўқ, у бебаҳо неъмат, — деди кимдир чўзилган суҳбатимизга якун ясаб.

## ТЎЙ БЎЛМАЙДИ

Ҳаёт қизиқ ва ранг-баранг. Ишинг юришиб, бахтинг кулиб боққанида қалбинг бир олам қувончга тўлади. Баъзида эса ўйламай-нетмай айтилган бир сўзингдан пушаймон бўлиб юрасан. Баъзида турмушингда учраб турадиган кичик бир муаммо устидан ҳам жиддий ўйлашга тўғри келади. Бундай дейишимнинг боиси бор албатта. Яқинда қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Яқин бир танишимизникида тўй тараддуди бошланиб кетди. Узун қулоқ гаплар орқали эшитсак хонадоннинг якка-ёлғиз ўғли Ваҳобжон севган қизи Маҳбубахонга уйланаётган экан. Сўраб-суриштирсак қиз қайси бир дўконда сотувчи бўлиб ишларкан.

Никоҳ маросимидан уч-тўрт кун олдин Ваҳобжоннинг онаси — Ҳабиба опа келинни яхшироқ билиш учун ҳеч кимга билдирмай, у ишлайдиган дўконга харидор сифатида кириб борибди. Ҳабиба опа анча зийрак аёлда. Ўша совчиликка борганда бир марта кўрган келин — Маҳбубахонни таниб у томон яқинлашибди. Айни шу тобда Маҳбубахон уч-тўрт дугоналари орасида тўй ҳақида сўз юритаётган экан. Шунда қизлардан бири унга:

— Вой дугонажон, онаси бор йигитга турмушга чиқмайман дер эдингку? Ахир бўлажак куёвнинг онаси бор экан, қандоқ бўларкин?

— Ўлсин, пешонамга шуниси ёзилган эканда. Энг ёмон кўрганим қайнона эди.

— Қайнонангни кўрдингми ўзи, тузукми, муросаю мадора қилса бўладими?

— Бир марта совчиликка келганда кўргандек бўлувдим. Кўринишидан анча совуқ, беўхшоврок бир хотинда.

— Ўзингнинг жаҳлинг бурнингни учида туради. У ҳам сенга ўхшаб тез бўлса чиқишолмай қолсанг, нима қиласан?

— Нима қилардим, куёв тўрага ишлов бераман. Бўлак бўлиб чиқиб кетайлик , ойиз жонимга тегди дейман.

— Кўнмасачи?

— Масалани кескин қўяман. Ё уни дейди, ё мени.

Бўлажак келиннинг бу гапларидан Ҳабиба опа титраб кетди. Ичидан келган тўлғоқни аранг босиб, яна бир бор синашталик учун Маҳбубахонни суҳбатга тортди.

— Қизим менга қаранг?

Маҳбубахон "харидор"нинг бу гапига эътибор ҳам бермай, ширин суҳбатни давом эттираверди.

Ҳабиба опа "сотувчи"ни чақириб, уни ўзига қаратди.

— Ҳа, нима дейсиз? Маҳбубахон "одобсиз харидор"ни жеркиб берди.

— Анави кўйлагингизни кўрсатингчи?

— Нима қиласиз, одамни овора қилиб. У сизга мос келмайди, ёшларники.

— Ўзимга эмас, бўлажак келинимга олмоқчиман.

— Вой ўлипти, келинингизга шу кўйлакни оласизми? Нима бало келиниз ердан чиққанми, шунақа кўйлак кийса.

Ҳабиба опа аччиқ жилмайиб, бошқа кийим-кечакларнинг нарх-навосини ҳам сўраб кетди. Маҳбубахон кўрслик билан жавоб бераверди.

Ҳабиба опа чиқиб кетар чоғида ўзга сотувчидан атайлаб сўради.

— Қизим, менга Маҳбубахон керак эдилар?

— Ҳозир Маҳбубахоннинг ўзлари билан гаплашдингизку, холажон. Бирор гапингиз бўлса ана ўзларига айтақолинг.

— Ўзларига айтар гапим шуки, мен шу қиз севган йигит Ваҳобжоннинг онаси бўламан. Яқинда уларнинг тўйи бўлиши керак эди. Афсус биз келин танлашда янглишган эканмиз. Энди тўй бўлмайди. Шу гапни дугонангизга айтиб қўйсангиз.

Ҳабиба опанинг бу сўзидан ҳамма ҳангу манг бўлиб, Маҳбубага қаради. Унинг ранги оқариб стулга ўтириб қолди. "Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир" деганлари шу бўлса керакда.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 4-сонли ва Яккасарой туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораларидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.**

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

*БУГУН «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ташкил топганига 39 йил тўлди.*

*Шу муносабат билан бизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган барча корхона, ташкилот ва муассасаларга, газетхонларимизга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.*

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609. 1 2 3 4 6